

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖАНОВ ШАМСИДДИН ЗАРИФБАЕВИЧ

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ВИРУСЛИ ДИАРЕЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ТАВСИФИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Отажанов Шамсиддин Зарифбаевич

ОИВ инфекцияси билан зарарланган

болаларда вирусли диареяларнинг

клиник-лаборатор тавсифи.....3

Отажанов Шамсиддин Зарифбаевич

Клинико-лабораторная характеристика

вирусной диареи у ВИЧ инфицированных детей27

Otajanov Shamsiddin Zarifbayevich

Clinical and laboratory characteristics

of viral diarrhea in HIV-infected children49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОТАЖАНОВ ШАМСИДДИН ЗАРИФБАЕВИЧ

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ВИРУСЛИ ДИАРЕЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ТАВСИФИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2745 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Худайкулова Гулнара Каримовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Байжанов Аллаберган Кадирович тиббиёт фанлари доктори Ибадова Гулнара Алиевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2А-уй. Тел: (+99871)243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Гуйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўткир диарея ҳолатлари сони жуда юқори бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «...ҳар йили дунёда 1,7 миллиарддан ортиқ болада ошқозон-ичак инфекциялари қайд этилиб, улар орасида диарея болалар ўлимларининг асосий сабаби ҳисобланиб, 443 832 нафар 5 ёшгача бўлган бола ушбу касалликлар оқибатида вафот этади»¹ ва бунда ошқозон-ичак трактининг зарарланиши ОИВ билан касалланган беморларда кенг тарқалган. Ошқозон-ичак тракти шикастланишига иккиламчи вирусли ва бактериал инфекция, ОИВ ва иммунитет танқислиги сабаб бўлиши мумкин. Ошқозон-ичак трактининг зарарланиши болаларда диарея, малабсорбция билан намоён бўлади, бу эса ўз навбатида энергия ва витамин етишмовчилигига, натижада боланинг ўсиши ва ривожланишининг кечикишига олиб келади. Шу сабабли, ОИВ инфекцияси мавжуд бўлган болалар ва иммунитетни сусайган гуруҳларда диарея сабабларини барвақт аниқлаш, самарали даволаш ва профилактика тадбирларини такомиллаштириш, касалликнинг тарқалишини олдини олиш бўйича тадқиқотлар амалий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда кўп ҳолларда ОИВ инфекциясининг клиник белгилари ошқозон-ичак шаклида диарея, кўнгил айниш, қайт қилиш, вазн йўқотиш каби клиник белгилар намоён бўлади. Гастроинтестинал тизимнинг вирусли инфекциялари умумий амалиёт шифокорлари учун бактерияларга қараганда камроқ маълум: болалардаги диареяларнинг 30-40%ни ўткир эпизодли вирусли диареялар ташкил қилади ҳамда уларнинг орасида ротавирус инфекцияси (60-80%) асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, ушбу хавфли ҳолатларни барвақт аниқлаш, ОИВ инфекцияси мавжуд бўлган беморларда ошқозон-ичак муаммоларини самарали даволаш, олдини олиш ва болалар ўртасида ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш амалий тиббиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ривожланишини олдини олиш, эрта ташхислаш, самарали даволаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, «...бирламчи тиббий – санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»². Ушбу вазифаларни ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини

¹ЖССТ 2024. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/diarrhoeal-disease?>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

янги босқичга кўтариш орқали касалликлар оқибатида юзага келадиган ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. ОИВ билан касалланган беморларда ошқозон-ичак тракти шикастланишига иккиламчи вирусли ва бактериал инфекцияга сабаб бўлиши мумкин. Ошқозон-ичак трактининг касалланиши болаларда диарея, малабсорбция билан намоён бўлади, бу эса ўз навбатида энергия ва витамин етишмовчилигига, натижада боланинг ўсиши ва ривожланишининг кечикишига олиб келади. ОИВ-инфекциясида кузатиладиган энг муҳим патологик ўзгаришлардан бири овқат ҳазм қилиш системаси аъзоларининг касалланиши ҳисобланади. Касаллик кечиши давомида меъда-ичак тизимининг (МИТ) зарарланиши билан биргаликда иммун ҳолат сусайиши ҳам ривожланиб боради. Касалликнинг эрта ривожланиш даврида оппортунистик инфекциялар қўшилишидан олдин, ҳар ўнинчи болада МИТ зарарланиши симптомлари аниқланади. Бундан ташқари, ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда ҳазм қилиш тизими аъзоларининг зарарланиши кўрсаткичи ошиб боради, жумладан ОИТС босқичида МИТ патологияси 80% ҳолатларда, терминал босқичида эса барча беморларда ташхисланади (Florez ID, Veroniki AA., 2018).

Юртимизда болаларда ОИВ инфекцияси ва ўткир ичак инфекцияларини ўрганишда бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, шулардан ўткир ичак инфекциялари таркибида вирусли диареяларнинг роли (Мусабаев Э.И. 2014.), перинатал ОИВ инфекцияси бўлган беморларни парвариш қилиш ва даволаш (Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Худайкулова Г.К. 2018.), перинатал ОИВ инфекциясининг ўзига хос хусусиятлари (Худайкулова Г.К. 2017.), болаларда ОИВ инфекциясининг клиник-иммунологик хусусиятлари (Субхонова Н.Р. 2007.), болаларда кечадиган диареяли инфекцияларнинг ташхисини ҳамда даволаш услубларини такомиллаштириш (Эралиев У.Э. 2018.), болаларда ОИВ инфекцияси кечишини башорат қилиш (Кадиров Ж.Ф. 2021.), болаларда ОИВ инфекциясини клиник-лаборатор кечув хусусиятлари ва ичакдаги микроблар пейзажининг бузилиши (Абдуллаева У.У. 2024.), илк ёшдаги

болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари (Мулладжанова К.А. 2022.) аниқланган.

Замонавий илмий, тиббий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд манбаларда ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Замонавий хорижий адабиётлардаги маълумотларга кўра, ҳозирги кунга қадар ОИВ билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари қиёсий жиҳатдан текширилмаган.

Шундан келиб чиқадики, ушбу муаммони ҳал қилиш учун янги тадқиқотларни олиб бориш зарур ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2021-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг клиник-лаборатор тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг этиологик таркибини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареялардаги умумий лаборатория, иммунологик ва цитокин ҳолати кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш;

ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг самарали диагностика ва даволаш схемаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида асосий гуруҳга ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирусли диарея аниқланган (n=110) ва ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирусли диарея аниқланмаган (n=66) бемор болалар ҳамда назорат гуруҳига ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган вирусли диареяли (n=70) бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби ва нажаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник (лаборатория ва инструментал), иммунологик, иммунохроматографик (нажас намуналаридан вирусларнинг антигенини аниқлаш усули), ПЗР (нажаснинг сифатли скрининги, нажасда вирусларнинг нуклеин асосини аниқлаш усули) ва статистик (Р, Студент мезонини аниқлаш) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ОИВ билан касалланган болаларда ўткир вирусли диареяларни Rotavirus A, Adenovirus F, Norovirus ва Astrovirus алоҳида ҳамда биргаликда келтириб чиқариши аниқланган;

илк бор ОИВ билан касалланган болаларда вирус юкламасининг ортиши билан Rotavirus этиологияли диареянинг нисбати ортиб бориши исботланган; илк бор ОИВ инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли болаларда яллиғланишга қарши цитокинлар ИФН- α ва ИФН- γ миқдорининг камайиши ва ИЛ-1 β миқдорининг кўпайиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда клиник амалиётда кузатилган ўткир вирусли диарея ҳолатларининг клиник ва лаборатор хусусиятлари аниқланган;

Ўткир вирусли диареяни интерферон альфа-2b препарати асосида даволаш схемаси тавсия этилган ва бу схема касалликнинг оғир шакллари ҳамда асоратлар сонини камайтириши билан бирга, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши асосланган;

ОИВ-инфекцияси мавжуд болаларда вирусли диареянинг аниқланган хусусиятлари ушбу тоифадаги беморлар учун ротавирусга қарши эмлаш режасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ва амалий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, серологик, инструментал ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, «Ўткир вирусли диарея» ташхиси қўйилган ОИВ-инфекцияси билан касалланган болалар учун комплекс даволашда интерферон альфа-2b дори воситасини ректал шамчалар шаклида қуйидаги дозаларда 7 ёшгача бўлган болаларга 1 шамчадан 150 000 МЕ 2 маҳал кунига, 7 ёшдан катта болаларга 1 шамчадан 500 000 МЕ 2 маҳал кунига *per rectum* 5 кун давомида буюриш ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда даволаниши такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бемор болаларда интерферон альфа-2b дори воситасини қўллаш касалликнинг ривожланишини ҳамда асоратларнинг олдини олиш, бемор саломатлигининг тез қайта тикланиши ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича №13/08 сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор ОИВ билан касалланган болаларда ўткир вирусли диареяларни Rotavirus A, Adenovirus F, Norovirus ва Astrovirus алоҳида ҳамда биргаликда келтириб чиқариши аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академияси муофиқлаштирувчи эксперт кенгашида 2024

йил 24 апрелдаги 04-24/293-t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг солиштирма ташхисоти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг тарқалиши, клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларлар хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптимал танлаш имконини берган. Мазкур таклифлар Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 06.02.2025 йилдаги 1-сон ва Хоразм вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бўйича 03.06.2024 йилдаги 46-сон ҳамда Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 30.01.2025 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болалар орасида ОИВ-инфекцияли диареяларни эрта тўғри ташхислаш натижасида кўпроқ одамларни касалланишини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларни ташхисотини эрта тўғри олиб бориш орқали ҳар бир нафар ОИВ-инфекцияси касаллигини юқумли касалликлар шифохонасида бир нафар беморни даволаниши учун сарфланадиган давлат бюджетидан 1845738,5 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: илк бор ОИВ билан касалланган болаларда вирус юкламасининг ортиши билан Rotavirus этиологияли диареянинг нисбати ортиб бориши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси муофиқлаштирувчи эксперт кенгашида 2024 йил 24 апрелдаги 04-24/293-t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг солиштирма ташхисоти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг тарқалиши, клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларлар хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптимал танлаш имконини берган. Мазкур таклифлар Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 06.02.2025 йилдаги 1-сон ва Хоразм вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бўйича 03.06.2024 йилдаги 46-сон ҳамда Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 30.01.2025 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларнинг эрта аниқланиши ортидан келажакда касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларни ўз вақтида аниқлаш орқали ОИВ-инфекция касаллигини юқумли касалликлар шифохонасида бир нафар беморни даволаниши учун бир кунига сарфланадиган харажатларини 184573 сўмга, бир курс даволаниш учун давлат бюджетидан 1845738,5 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илк бор ОИВ инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли болаларда яллиғланишга қарши цитокинлар ИФН- α ва ИФН- γ миқдорининг камайиши ва ИЛ-1 β миқдорининг кўпайиши аниқланганлиги Тошкент тиббиёт академияси муофиқлаштирувчи эксперт кенгашида 2024 йил 24 апрелдаги 04-24/293-т-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг солиштирма ташхисоти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг тарқалиши, клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларлар хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптимал танлаш имконини берган. Мазкур таклифлар Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 06.02.2025 йилдаги 1-сон ва Хоразм вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бўйича 03.06.2024 йилдаги 46-сон ҳамда Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 30.01.2025 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларнинг тўғри даволаш натижасида келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларни ўз вақтида тўғри даволаш орқали ОИВ-инфекция касаллигини юқумли касалликлар шифохонасида бир нафар беморни бир курс даволаниш учун давлат бюджетидан 1845738,5 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларни этиотроп даволашда интерферон альфа-2b қўллаш натижасида CD4-лимфоцитлар кўрсаткичларини барқарорлаши исботланганлиги Тошкент тиббиёт академияси муофиқлаштирувчи эксперт кенгашида 2024 йил 24 апрелдаги 04-24/293-т-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг солиштирма ташхисоти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг тарқалиши, клиник кечиши ва лаборатор кўрсаткичларлар хусусиятларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш усулларини оптимал танлаш имконини берган. Мазкур таклифлар Хоразм вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 06.02.2025 йилдаги 1-сон ва Хоразм вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бўйича 03.06.2024 йилдаги 46-сон ҳамда Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 30.01.2025 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларнинг одам рекмобинант интерферон альфа-2b билан даволаш натижасида келиб чиқадиган асоратларини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда ОИВ-инфекцияли диареяларни одам рекмобинант интерферон альфа-2b билан даволаш орқали бир нафар бемор

учун сарфланадиган ташхисот ва бир курс даволаниши учун сарфланадиган 1845738,5 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий ишнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга қўйиладиган талаблар, мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий-техникавий тадқиқотнинг асосий йўналишларига мувофиқлиги асосланади, олинган натижаларнинг ишонарлиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг этиопатогенези»** деб номланган биринчи бобида ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг этиологияси, патогенези, эпидемиологик, клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш ҳамда ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндошувларига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган.


Диссертациянинг **«Материаллар ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот учун клиник материаллар 2020-2024 йиллар давомида Республика ОИТСга қарши кураш марказига қарашли Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази ва Тошкент шаҳар махсуслаштирилган юқумли касалликлар шифохонаси ва Тошкент шаҳар 4-сон болалар юқумли касалликлар шифоналарида тўпланган. Тадқиқот учун 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли беморлар кузатувга олинган.



1-расм. Беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши

Асосий гуруҳда жами йиғилган бемор болалардан 79 нафарини (71,8%) ўғил болалар, 31 нафарини (28,2%) қиз болалар ташкил қилган бўлса, 1-назорат гуруҳда ўғил болалар қиз болаларга нисбатан 1.7 баробар кўп эканлиги аниқланди (62,9% ва 37,1% мос равишда, $P < 0,05$), 2-назорат гуруҳида 69,7% ўғил болалар, 30,3% қиз болалар бўлиб, барча гуруҳларимизнинг асосий қисмини ўғил болалар ташкил қилди.

Тадқиқот учун олинган бемор болаларда ОИВ-инфекциясининг клиник босқичи таҳлил қилинганда, асосий гуруҳдаги бемор болаларда ОИВ-инфекциясининг I ва IV клиник босқичлари умуман аниқланмади. Касалликнинг II клиник босқичи эса асосий гуруҳда 28 нафар бемор болаларда (25,4%) кузатилган бўлса, III клиник босқичи энг кўп 82 нафар бемор болаларда (74,5%) кузатилган. Бундан кўришиб турибдики, II ва III клиник босқичларининг кўрсаткичлари орасидаги фарқ деярли 3 баробарни ташкил қилди (25,4% ва 74,5%) ва ишончлилик даражаси $P < 0,001$ га тенг бўлди. 2-назорат гуруҳидаги бемор болаларда I ва II клиник босқичлари умуман кузатилмади.



2-расм. ОИВ инфекцияли беморларда иммуносупрессия даражалари

Изоҳ: *- 2-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,001$).

2-расмдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги бемор болаларда 2-назорат гуруҳидаги бемор болаларга нисбатан иммуносупрессиянинг яққол даражаси (яққол 200-349) 3,1 баробар кўпроқ кузатилганлиги исботланди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли бўлди (55,4% ва 18% мос равишда, $P < 0,001$). Иммуносупрессиянинг ўртача даражаси эса аксинча, 2-назорат гуруҳидаги бемор болаларда асосий гуруҳдаги бемор болаларга нисбатан 2,5 баробар кўпроқ кузатилганлиги аниқланди ва кўрсаткичлар орасидаги ишончлилик даражаси $P < 0,05$ ни ташкил этди (62,5% ва 24,7% мос равишда). Шунингдек, 3,6% асосий гуруҳ бемор болаларида оғир иммунтанқислик даражаси аниқланган бўлса, ушбу даража 7,5% 2-назорат гуруҳидаги бемор болаларда кузатилди ($P < 0,05$).

Тадқиқотимизда даволаш схемаларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида ОИВ инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли асосий гуруҳдаги 110 нафар болалар 2 та кичик гуруҳга ажратилди. I кичик гуруҳга интерферон альфа-2b препарати билан биргаликда базис даволаш тайинланган 45 нафар бемор болалар, II кичик гуруҳга эса 5 кун давомида фақат базис даволаш олган 65 нафар бемор болалар киритилди. I кичик гуруҳдаги 45 нафар бемор болаларга базис даволашга қўшимча равишда кунига 2 маҳал 500 000 ТБ дан интерферон альфа-2b (виферон) шамчалари қўлланилди. Интерферон альфа-2b - рекомбинант одам интерферони бўлиб, вирусга қарши, иммуномодулятор хусусиятларга эга, РНК ва ДНК сақловчи вируслар репликациясини тўхтатади.

Беморларда вирусли диарея ташхиси иммунохроматографик экспресс тест-таҳлил ва ПЗР усуллари ёрдамида нажас сифатли скрининги орқали қўйилди. Молекуляр-генетик ва экспресс-тест учун нажас намуналари беморлар келган вақтдан бошлаб 48 соат ичида олинди. Беморларнинг барча маълумотлари: шикоятлари, эпидемиологик ва ҳаётий анамнези, касаллик тарихи ўрганилди. Таҳлил учун нажас намуналари касаллик белгилари пайдо бўлгандан кейин дастлабки 1-2 кун ичида олинди, чунки инфекциядан 5-7 кун ўтгач вирус миқдори сезиларли даражада камаяди. Нажас намуналари таҳлил ўтказилгунга қадар 2-4°C ҳароратда 2 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда сақланди.

Иммунохроматографик текшириш. Нажас иммунохроматографик тахлили текшируви даволашдан олдин ўтказилди. Тадқиқотда RIDA®QUICK Rota/Adeno/Noro Combi (R-Biopharm AG, An der Neuen Bergstrasse 17, 64297 Дармштадт, Германия) экспресс диагностика тестларидан фойдаланилди.

Нажаснинг ПЗР диагностикаси. Нажас ПЦР тахлили учун «AmpliSens®ОКИ skrin-FL» тўпламларидан фойдаланган ҳолда ПЗР усули асосида беморларнинг нажасида энтеропатогенларни аниқлади. Ишда *Shigella* (*Shigella* spp.), *Salmonella* (*Salmonella* spp.) ва термофил Кампилобактериялар (*Campylobacter* spp.), F гуруҳи аденовируслари (Аденовирус F) ва А гуруҳи ротавирусларининг (Ротавирус А), норовирус 2 генотиби (Норовирус 2 генотиби), астровирусларнинг (Астровирус)


ДНКсини аниқлаш ва фарқлаш учун Интер Лаб Сервис компаниясининг «AmpliSens®ОКI skrin-FL» ПЗР диагностика тўпламларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар РИЭИАТМ ПЗР-диагностика лабораториясида Ротор Гене Қ - СНР0911/54 (Германия) ПЗР анализаторидан фойдаланиб ўтказилди.

Олинган натижалар Эхсел-2010 дастурида Студентнинг т-мезони ёрдамида стандарт вариатсион статистика усуллари билан қайта ишланди. Ўртача қийматлар $M \pm m$ (ўртача қиймат \pm ўртача қийматнинг стандарт хатоси) кўринишида ифодаланган. Натижалар $P < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг этиологик таркибини баҳолаш**» деб номланган III бобида беморларда вирусли диарея ташхиси иммунохроматографик экспресс тест таҳлили ва нажаснинг сифатли скрининги ПЗР текширув усуллари ёрдамида қўйилган.

Молекуляр генетик ва экспресс тест таҳлили учун нажас намуналари бемор болалар шифохонага қабул қилинган пайтдан бошлаб 48 соат давомида йиғилган. Шунингдек, барча маълумотлар, жумладан беморларнинг шикоятлари, эпидемиологик ва ҳаёт анамнези бемор болалар шифохонага мурожаат қилган куни касаллик тарихида баён этилган.




3-расм. Асосий ва 1-назорат гуруҳида вирусли диареяларнинг этиологик тавсифи

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$)

Кузатувдаги асосий ва 1-назорат гуруҳларидаги бемор болаларда вирусли диареяларнинг этиологик таркибини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги бемор болаларда ротавирусли инфекциянинг учраши 1-назорат гуруҳига нисбатан 1,8 баробар кўпроқ кузатилган бўлса (57,3% ва 31,4% ҳолларда мос равишда, $P < 0,05$), 1-назорат гуруҳидаги бемор болаларда аденовирусли инфекциянинг улуши асосий гуруҳга


нисбатан деярли 1,8 баробар кўпроқ аниқланди (38,6% ва 21,8% ҳолларда мос равишда, $P<0,05$). Асосий ва 1-назорат гуруҳларида астровирусли инфекция нисбатан камроқ учраб, деярли тенг кўрсаткичларда қайд қилинди (6,4% ва 5,7% ҳолларда мос равишда, $P<0,01$). Асосий гуруҳдаги беморларда норовирусли инфекция ва вирусли ичак инфекцияларининг микст ҳолатда учраши 1-назорат гуруҳига нисбатан деярли 1,5 ва 2,8 баробар камроқ кузатилган (10% ва 14,3%; 2,7% ва 7,1% ҳолларда мос равишда).



4-расм. Бемор болаларда вирусли диареяларнинг ёш бўйича тақсимланиши (7-13 ёш)

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P<0,05$)

Тадқиқот ишида кузатув остидаги беморларнинг ёш бўйича гуруҳларга ажратилгандан кейин вирусли диареяларнинг учраш кўрсаткичлари ёш гуруҳлари кесимида аниқланди ва таҳлил қилинди, бунда эрта мактаб ёши хисобланган 7-13 ёшгача бўлган ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда ўтир вирусли диареялар орасида ротавирусли инфекция ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган ўткир вирусли диареяли 1-назорат гуруҳидаги бемор болаларга нисбатан 1,7 марта ишонарли равишда кўпроқ учраши аниқланди (49% ва 28,1% ҳолларда мос равишда, $P<0,05$), 1-назорат гуруҳида ОИВ инфекцияси билан касалланмаган ўткир вирусли диареяли бемор болаларда аденовирусли инфекциянинг улуши ОИВ инфекцияси билан касалланган ўткир вирусли диареяли асосий гуруҳдаги бемор болаларга нисбатан 2 баробар кўп учрагаши ва яққол устунлик қилиши аниқланган (47% ва 21% ҳолларда мос равишда, $P<0,05$).




5-расм. Бемор болаларда вирусли диарейларнинг ёш бўйича тақсимланиши (14-18 ёш)

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$)

Кузатувдаги 14-18 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида ўткир вирусли диарейларнинг этиологик таркиби ўрганилганда 5-расм маълумотлари бўйича ОИВ-инфекцияли ўткир вирус этиологияли диарея билан касалланган асосий гуруҳдаги беморлар орасида ротавирусли инфекциянинг ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган ўткир вирусли диарейли 1-назорат гуруҳидаги бемор болаларга нисбатан 1,7 марта кўпроқ учраган ва ишонарли равишда кўпроқ кузатилган (64,6% ва 37% ҳолларда мос равишда, $P < 0,05$).


1-назорат гуруҳидаги ОИВ инфекцияси билан касалланмаган ўткир вирусли диарейли бемор болалар орасида аденовирусли инфекциянинг учраши асосий гуруҳдаги ОИВ инфекцияси билан касалланган ўткир вирусли диарейли бемор болаларга нисбатан 1,5 баробар кўп учраган ва яққол устунлик қилган (37% ва 23% ҳолларда мос равишда, $P < 0,05$).



6-расм. Асосий гуруҳда вирус этиологияли диарейларнинг ОИВ клиник босқичи бўйича учраши

Изоҳ: *- фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$)

Тадқиқот ишида бемор болаларда ОИВ-инфекцияси клиник босқичларига мос равишда вирусли диареяларнинг учраши ўрганилганда, асосий гуруҳдаги ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирус этиологияли диареяли бемор болаларда касаллик асосан иккинчи ва учинчи клиник босқичларда кечди, ОИВ-инфекциясининг биринчи ва тўртинчи клиник босқичлари асосий гуруҳдаги бемор болаларда аниқланмаган. ОИВ-инфекциясининг иккинчи клиник босқичидаги бемор болаларда аденовирусли инфекциянинг улуши ротавирусли инфекцияга нисбатан деярли 1,5 баробар, норовирусли инфекцияга нисбатан 2 баробар кўпроқ кузатилган (39%, 28,5% ва 21% ҳолларда мос равишда, $P < 0,05$). Беморларда иммуносупрессиянинг учинчи клиник босқичида ротавирусли инфекция аденовирусли инфекцияга нисбатан 3,7 баробарга яққол устунлик қилган (67% ва 18,2% мос равишда, $P < 0,001$).



7-расм. Беморларда вирус юкламасига мос ҳолда вирусли диареяларнинг учраши

Изоҳ: *- фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$)


Тадқиқот ишида ОИВ-инфекцияси билан касалланган ўткир вирусли диареяли бемор болаларда ОИВ юкламасига боғлиқ равишда ўткир вирусли диареяларнинг учраш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда олинган натижалар шуни кўрсатдики, вирус юкламасининг ошиши билан ротавирусли инфекциянинг улуши ошиб борган, вирус юкламасининг 1000 нусха/млдан кам бўлган ҳолатларда ротавирусли инфекция 64,7% ҳолатларда учраганлиги аниқланган. Вирус юкламасининг 100000 нусха/млдан юқори даражалари кузатилган бемор болаларда ротавирусли инфекция 100% ҳолларда қайд қио

Вирус юкламасининг 1000-10000 нусха/мл даражасида аденовирус ва ротавирусли инфекция бир хил кўрсаткичларда аниқланган (50% ва 50% мос равишда), вирус юкламасининг 10000 нусха/мл дан юқори birlikларида ротавирусли инфекция 100% ҳолатларда кузатилган.

Диссертациянинг «ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда вирусли диареяларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари» деб номланган

IV бобида унда ОИВ инфекцияли болаларда ўткир вирусли диареяни клиник ва лаборатор кечиш хусусиятлари баён этилган.

Кузатувдаги бемор болаларда касалликнинг кечиши бўйича енгил, ўрта оғир, оғир ва ўта оғир даражаларга ажратилган. Бемор болаларда вирусли диарея асосан ўрта оғир даражада кечган, асосий ва 1-назорат гуруҳларида бу кўрсаткич 73,6% ва 80% мос равишда ҳолларда учраган. Касалликнинг оғир даражада кечиши асосий гуруҳда 1-назорат гуруҳига нисбатан деярли 2 баробар кўп кузатилган (20,9% ва 11,4% мос равишда, $P < 0,05$). Касалликнинг ўта оғир даражада кечиши эса фақат ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли бемор болаларда 2,8% ҳолатларда нисбатан камроқ кузатилган, ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган вирусли диареяли 1-назорат гуруҳида бу кўрсаткич учрамаган.



8-расм. Асосий ва 1-назорат гуруҳида сувсизланиш даражасининг намоён бўлиши

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*- $P < 0,05$)

Кузатувдаги бемор болаларда ўткир вирусли диареялардаги сувсизланиш даражалари (сувсизланиш йўқ, сувсизланиш ўрта, сувсизланиш оғир) таҳлил қилинганда, сувсизланишнинг енгил даражаси ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган вирусли диареяли бемор болаларда 8,6% ҳолатларда кузатилган ва ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли беморларга нисбатан яққол устунлик қилган (2,7%), иккала гуруҳ бемор болаларида ҳам сувсизланишнинг ўрта оғир даражада кечиши деярли бир хил даражада кузатилган ва кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли бўлмади (78,6% ва 81,4% мос равишда, $P > 0,05$). Сувсизланишнинг оғир даражаси ОИВ-инфекцияси билан касалланган вирусли диареяли болаларда ОИВ-инфекцияси билан касалланмаган вирусли диареяли беморларга нисбатан деярли 2 баробар кўп учраган ва кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли эканлиги аниқланди (18,7% ва 10% ҳолларда мос равишда, $P < 0,05$).

1-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларда клиник белгиларнинг учраши

Клиник белгилар	Асосий гуруҳ, n=110		1-назорат гуруҳ, n=70	
	абс.	%	абс.	%
Иситма	70	63,6±4,6***	38	54,3±6,0***
Ҳолсизлик	110	100,0±0,0	70	100,0±0,0
Бош оғриши	35	31,8±4,5*	20	28,6±5,4**
Кўнгил айнаши	31	28,2±4,3	17	24,3±5,2
Қайт қилиш	16	14,5±3,4^	19	27,1±5,4**
Қориндаги оғриқ	42	38,2±4,7	24	34,3±5,7
Қорин дам бўлиши	37	33,6±4,5**	20	28,6±5,4**
Иштаҳанинг пасайиши	110	100,0±0,0	70	100,0±0,0
Қориндаги қулдиришлар	64	58,2±4,7	34	48,6±6,0*

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

Тадқиқот ишида бемор болаларда клиник белгиларнинг намоён бўлиши текширилганда, асосий ва 1-назорат гуруҳларининг барчасида ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши барча ҳолатларда (100%) аниқланган. Интоксикация белгиларидан иситма асосий ва 1-назорат гуруҳларида деярли бир хил даражада кузатилган ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишонарсиз бўлди (63,6% ва 54,3% ҳолларда мос равишда, P>0,05). Бош оғриши асосий ва 1-назорат гуруҳларидаги беморларнинг деярли 1/3 қисмида учраган (31,8% ва 28,6% мос равишда). Қориндаги қулдирашлар асосий ва 1-назорат гуруҳларидаги беморларнинг деярли ярмида учраган бўлса (58,2% ва 48,6% мос равишда) кечган.

2-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларда диареянинг давомийлиги

Кун	Асосий гуруҳ, n=110		1-назорат гуруҳ, n=70	
	абс.	%	абс.	%
5 кун>	10	9,1±2,8**	13	18,6±4,7**
6-9 кун	65	59,1±4,7***	49	70,0±5,5***
10-14 кун<	35	31,8±4,5***^	8	11,4±3,8***

Изоҳ: *- назорат 1 гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

2-жадвал маълумотлари бўйича бемор болаларда диареянинг давомийлиги таҳлил қилинганда, асосий гуруҳдаги 10 нафар (9,1%) бемор болаларда диарея 5 кунгача кузатилган бўлса, диареянинг 6-9 кун

давомийликда бўлиши 10-14 кун бўлишига нисбатан 1,8 баробар кўпроқ (59,1% ва 31,8% ҳолларда мос равишда, $P<0,05$) кузатилган. 1-назорат гуруҳидаги беморларнинг ҳам асосий қисмида (70%) диарея асосан 6-9 кун давомийликда кечган. Диареянинг 5 кунгача давом этиши 10-14 кун бўлишига нисбатан 1,6 баробар кўпроқ эканлиги аниқланган (18,6% ва 11,4% ҳолларда мос равишда, $P<0,05$).

Асосий ва 1-назорат гуруҳлари орасида диареянинг давомийлиги таққосланганда, асосий гуруҳ бемор болаларида диареянинг 10-14 кун давом этиши 1-назорат гуруҳига нисбатан 2,8 баробар кўпроқ эканлиги маълум бўлди ва кўрсаткичлар орасидаги фарқ юқори ишончлиликини ташкил этди (31,8 ва 11,4% мос равишда, $P<0,001$).

3-жадвал

